

Бақара сураси, 96-оят

08:20 / 22.10.2017 4164

Уларнинг ҳаётга энг ҳирс қўйган одамлар эканини топасан; ширк келтирганлардан ҳам. Уларнинг бирлари минг йил умр кўришни истайди. Ҳолбуки, ўша - узоқ умр кўриш - уни азобдан узоқлаштирувчи эмас. Ва Аллоҳ уларнинг қилаётганларини кўриб турувчидир. Бақара 96.

Яхудийлар ҳаётга ва бу дунёга энг ўч, энг кўп ҳирс қўйган одамлар ҳисобланадилар. Қуръони Карим таъбирида «ҳаёт» сўзи ҳеч қандай сифат билан белгиланмаган. Яъни номи ҳаёт бўлса бўлди. Хор-зор бўладими, бошқа бўладими – барибир, номига ҳаёт бўлса бўлди. Осмондан китоб нозил қилинмаган, Аллоҳ томонидан пайғамбар юборилмаган, бут-санамларни Аллоҳга ширк келтирувчи, аҳамиятсиз қавмларда (масалан, мушрикларда) ҳам ҳаётга ҳирс қўйиш бор. Ояти каримадаги

«Уларнинг бирлари минг йил умр кўришни истайди» жумласидан айна шу маъно кўзланмоқда. Яъни улардан баъзилари минг йил умр кўришни орзу қилади. Бу унинг илоҳий таълимотлардан беҳабар эканидан келиб чиқади. У охиратга ишонмайди, шунинг учун бу дунёда кўпроқ яшашни хоҳлайди.

«Ҳолбуки, ўша уни азобдан узоқлаштирувчи эмас».

Қанча узоқ умр кўришларидан қатъи назар, кофир ва мушриклар азобга дучор бўладилар. Чунки

«Аллоҳ уларнинг қилаётганларини кўриб турувчидир».

Ана ўша кўргани асосида ҳисоб-китоб қилиб, ҳар кимга қилганига яраша жазо беради.

Аmmo Бану Исроил-чи? Унга Аллоҳнинг кўплаб пайғамбарлари келган, китоби нозил бўлган. Улар охиратга ишонибгина қолмай, балки «Охиратда фақат бизгина жаннатга кирамиз», деб даъво ҳам қилишади. Шу билан бирга, улар бу дунё ҳаётига минг йил умр кўришни истаган мушриклардан ҳам кўра ўчдирлар. Лекин ҳаммалари ҳам шуни яхши билиб қўйсинларки, узоқ умр кўришлари уларни азобдан қутқармайди. Аллоҳ уларнинг қилаётганларини кўриб турувчидир ҳамда амалларига яраша охиратда

азобни ҳам берувчидир.